


“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари» мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели



Вақт 2 соат	Талабалар сони 70	
Ўқув машғулоти шакли	маъруза	
Маъруза режаси	1. Ер тузиш лойиҳалари классификацияси 2. Лойиҳа ҳужжатлари	
Ўқув машғулот мақсади	“Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш	
Педагогик вазиятлар 1.Ер тузиш лойиҳалари классификацияси тўғрисида тушунча беради 2. Лойиҳа ҳужжатлари тўғрисида тушунча беради	Ўқув фаолияти натижалари 1.Ер тузиш лойиҳалари классификацияси мазмунини очиб берадилар 2.Лойиҳа ҳужжатлари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар	
Таълим усуллари	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара	
Таълимни шакллантириши шакли	Оммавий, жамоавий	
Таълим воситалари	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар	
Таълим берииш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона	
Мониторинг ва баҳолаши	Оғзаки сўров: тезкор сўров	



“Ер түзишни лойихалаш” фанидан «Ер түзишни лойихалаш технологияси ва усуллари»
мавзусидаги күргазмали маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	<p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот күргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>Ақлий хужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.2. Мавзу режаларига хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)</p>	Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни мухокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қиласи. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар


- 1. Ўзбекистонда ер тузиш тизими қандай ташкил этилган?**
- 2. Ер тузиш тизими қандай таркибий қисмлардан иборат?**
- 3. Ер тузишни лойиҳалаш тизими қандай босқичлардан иборат?**
- 4. Лойиҳалаш босқичларини айтинг.**


З маъруза
II боб. ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШ

ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УСУЛЛАРИ

Режа

- 1. Ер тузиш лойиҳалари классификацияси**
- 2. Лойиҳа хужжатлари**





1. Ер түзиш лойиҳалари классификацияси

Ер түзиш 2 турга бўлинади: хўжаликларро ва хўжаликларда ички ер түзиш. Ер түзиш турлари асосида амалиётда ер түзиш лойиҳаларини 3 катта гуруҳга бўлишади: **ХАЕТ лойиҳалари; ХИЕТ лойиҳалари; ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишчи лойиҳалари.**

Биринчи катта гуруҳга кирувчи ХАЕТ лойиҳалари ўз навбатида яна иккита кичик гуруҳга бўлинади.

1. Қ/х ерларини тақсимлаш, ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва уларда ердан фойдаланишни такомиллаштириш билан боғлиқ ер түзиш лойиҳаларини ўз ичига олади.

2. Қ/х-дан бошқа тармоқлар (энергетика, саноат, транспорт, ўрмон ва сув хўжаликлари, дам олиш жойлари, шаҳарлар, қишлоқлар ва бошқ.) учун ер ажратиш билан боғлиқ ер түзиш лойиҳаларини ўз ичига олади.



Биринчи кичик гурухга кирадиган лойихаларни тузища қўйиладиган асосий талаблар-хўжаликда юқори самарали к/х ишлаб/ч-шини ташкил қилиш ва атроф мухитга зарар етказмаган ҳолда кам харажат сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш учун ердан интенсив фойдаланишга ҳудудий шароит яратишидир.

Иккинчи кичик гурухга кирадиган лойихаларни мақсади бошқача бўлиб, - к/х-дан бошқа тармоқларни жойлаштириш ва уларни муваффақиятли ишлаши учун замин яратишидир.

Иккинчи катта гурух лойихалари мавжуд ва янги ташкил этилаётган хўжаликлар учун тузилади. У факт қишлоқ хўжалик корхоналари учун тузилади.

Ишчи лойиҳалар асосан тупроқ эрозиясыга қарши тадбирларни лойиҳалаш, суғориладиган маданий яйловларни яратиш, ерларни рекультивация қилиш (бузилган ерларни тиклаш), буталардан, тошлардан тозалаш, табиий яйлов ва пичанзорларни тубдан яхшилаш, кияликларда террасалар ташкил қилиш, жарликларни тугатиш, ирригация ва мелиорациялаш ишларини амалга ошириш, боғлар, узумзорлар ва бошқа дараҳтларни экиш ишлари учун ишланади. Булардан ташқари хўжаликдаги йўлларни ва бошқа инженерлик иншоотларини қуриш учун ҳам ишчи лойиҳалар ишланиши мумкин.



Ер тузиш лойиҳалари бажарилиш тартибига қараб бир босқичли, икки босқичли ва комплекс лойиҳаларга бўлинади. Тайёрланиш даражасига қараб эса лойиҳа олди ишлари (чизмалар, техник-иктисодий асослашлар ва бошқа ҳисоблашлар), эскиз ва техник лойиҳаларга бўлинади.

Ер тузиш лойиҳаларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни гуруҳлашда қуидагилардан фойдаланиш мумкин:

ер тузииш турлари;
ложиҳалашиниг босқичлилиги;
ложиҳанинг тўлалик даражаси;
ер тузииш ишларининг тури;
ер тузиишининг ҳудудий ўзига хослиги.



2. Лойиҳа хужжатлари

- **Лойиҳа иншоотлар, механизмлар, бинолар, илғор технологиялар ва бошқаларни яратишнинг, амалга оширишнинг ҳисоб-китоблари, йўллари ва чизмалари келтирилган хужжатлар тўпламидири.**
- **Ер тузиш лойиҳалари** қишлоқ хўжалик корхоналари худудларининг ташкил топишида, тартибга солинишида ва такомиллаштирилишида жуда катта аҳамиятга эга.
- **Ер тузиш лойиҳаси** - ҳалқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишни таъминловчи ер ландшафтларини яратишга, уларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик баҳолашга қаратилган ҳамда уларга ҳукуқий асос берадиган хужжатлар тўпламидири. Ер тузишни лойиҳалаш ишлари қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик корхоналарида, корхоналараро бирлашмаларда олиб борилади.
- **Ер тузиш лойиҳалари** фақат ердан фойдаланишда - маълум тартиб ўрнатибгина қолмай, балки, табиатнинг бошқа ресурсларига /элементларига/ ва умуман экология тизимиға актив таъсир қиласиди. Шунинг учун ҳам ер тузиш лойиҳаларини табиатни тузиш лойиҳалари деб ҳам аташ мумкин.

Ер тузиш лойҳаларининг ишлаб чиқариш жараёнларига ва ишлаб чиқариши ташкил қилишга фаол таъсир қиласидиган, ҳисоблашлар билан асосланган ва чизмаларда кўрсатилган пировард натижаларига қўйидагилар киради: хўжаликларнинг иқтисодий самарали ер майдонлари, уларнинг жойлашиши, чегаралари, хўжалик ишлаб чиқариш бўлимларининг ер майдонлари ва ер турлари таркиби, доимий ва мавсумий хўжалик марказларининг жойлашиши, алмашлаб экиш, яйловлардан ва пичанзорлардан алмашлаб фойдаланиш тизимлари, алмашлаб экиш далалари, яйлов ва пичанзорларнинг алмашлаб фойдаланиладиган бўлаклари, боғлар ва узумзорлар пайкаллари ва улар бўлакчалари, ҳамда хўжалик ер турлари, ерларни бўлакларга бўладиган чизиқли иншоотларни (йўллар, ариқлар, зовурлар, ихота дарахтлари ва бошқ.) жойлаштириш.

Математик усулларни қўллаб лойиҳани иқтисодий, инженерлик ва молиявий асослашга қаратилган ҳисоблашлар ва чизмалар тўплами биргаликда лойиҳа смета ҳужжатлари деб аталади.


Ер тузиш лойиҳаси ёзма ва чизма қисмлардан иборат.

Чизмаларнинг таркиби ва сони тузилаётган лойиҳа ва унга қўйилган талабларга қараб белгиланади. Лойиҳани жойларга кўчириш ва уни амалга ошириш учун ишчи чизмалар ишланади. Булар орасида лойиҳа плани асосий ҳужжат ҳисобланади. Унда ҳудудни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар ва ечимлар кўрсатилади.

- Лойиҳанинг ёзма қисмига лойиҳани агроиқтисодий асослаш ва смета-молиявий ҳисобларидан иборат тушунтириш хати киради. Унда лойиҳанинг самарадорлигини кўрсатувчи техник-иқтисодий кўрсаткичлар берилади. Тушунтириш хатига лойиҳани экспертизадан ўтказиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича ҳужжатлар илова қилинади.
- Кўриб чиқилган, белгиланган тартибда тасдиқланган ва жойларга кўчирилган ер тузиш лойиҳаси ҳуқуқий кучга эга бўлади. У кўп йиллар давомида ердан фойдаланишда маълум тартиб ўрнатади.



Ер тузиш лойиҳаси ёзма ва чизма қисмлардан иборат





Адабиётлар

1. Авезбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойихалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - T.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 b.
3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - T.:TDAU, 2005. – 305 b.
4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

Қўшимча

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари.Т.: Адолат, 1999.
2. www. Ziyo. net
2. http:www. guz. Ru



1. Ер тузиш қандай турларга бўлинади?
2. Биринчи катта гуруҳга киравчи лойиҳалар қандай кичик гуруҳларга бўлинади?
3. Бир босқичли ва икки босқичли лойиҳалар бир – бири билан қандай фарқ қиласди?
4. Ер тузиш лойиҳаларини хилма хиллигини ҳисобга олган ҳолда уларни гуруҳлашда нималардан фойдаланилади?
- 4.Лойиҳа хужжатлари қандай қисмлардан иборат?
5. Лойиҳанинг ёзма қисмига қандай хужжатлар киритилади?
6. Лойиҳанинг чизма қисмига қандай хужжатлар киритилади?